

Ҳақдор инсонларга



06:10 / 16.09.2018 3447

Ассалому алайкум! Хурматли устозлар, мен ўсмирлик пайтимдан бери савдо билан шуғилланаман. Харидорлар бази пайтлари сотиб олган нарсаларини унутиб қолдириб кетишади, ҳозир шундай ҳолат юз берса эгаси сўраб келгунича асраб олиб қўяман. Агар анча муддат эгаси келмаса ўша нарсани қийматича пулни эҳсон қилиб эгасини ҳаққига атайман. Авваллари эътиборсизлигим сабабли қолдирилган нарсаларга жиддий қарамас эдим, баъзи пайтлари ўша нарсаларни ўз товарларимга қўшиб сотиб юборган бўлишим ҳам мумкин. Бошқаларни ҳаққидан жуда қўрқаман. Мени анчадан бери бир нарса қийнапти, менда кимнидир ҳаққи қолиб кетган бўлса қиёматга қолишини хохламайман. Бир нарсани ўйлаб қолдим, имкон топганда мухтож оилаларга эҳсон қилиб менда ҳаққи қолиб кетган инсонларга атаб юборсам жоиз бўлармикан. Шу масалада ёрдам беринглар азиз устозлар.

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Уларнинг номидан [садақа](#) қилсангиз бўлади. Валлоҳу аълам!